2010 ЙИЛ 12 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 196 (11.757) Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентдаги Ўзбекистон Ёшлар театрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Theatr. UZ/2010» биринчи халқаро фестивали якунланди.

● Боғот тумани Хўжалик қишлоқ фуқаролар йиғинида замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 20 та уйдан иборат Янги ҳаёт янги посёлкаси қад ростлади. Ҳозирда бу ерда йирик инфратузилма мажмуаси қад ростламоқда. Хусусан, автошоҳбекат, мини-банк, новвойхона фойдаланишга топширилди. Тез орада гўзаллик салони, тантаналар уйи, савдо нуқталари ва минимаркет ўз эшикларини очади.

● Наманган вилояти Поп туманидаги «Ўзрубероид» масъулияти чекланган жамиятида рубероиднинг янги тури ҳамда базальт толасидан тўшамалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги турдаги қурилиш ашёлари тайёрланиши ҳисобига бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 43 фоизга ошди.

● Китоб туманидаги 16-мактабда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимининг 204 миллион сўм маблағи эвазига муҳташам спорт зали қуриб битказилди. «225-ХМКК» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилган мазкур иншоот ҳар хил спорт жиҳозлари билан таъминланган.

● Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Хонақо қўрғони ҳудудида барча қулайликларга эга «Янги ҳаёт» қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Натижада бу ерда истиқомат қилувчи 4760 нафар аҳоли тез ва сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бунёдкорлик ишлари учун «Қизилқумцемент» ОАЖнинг 195 миллион сўмлик ҳомийлик маблағи сарфланди.

● Пахтаобод шаҳрида «Комил нури сурури» корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Чет эл дастгоҳлари билан жиҳозланган ушбу корхонада 40 га яқин турдаги замонавий андозаларда мебеллар тайёрланмоқда. Янги корхонада 12 киши иш жойига эга бўлди.

● Ғузор тумани марказий шифохонаси таркибида янги туғруқхона мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Ушбу шифо масканини бунёд этиш учун «Шўртан газ кимё» мажмуаси томонидан 960 миллион сўм маблағ сарфланди. 740 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги шифохонада даволаш амалиётларини бажариш учун барча имкониятлар яратилган.

### ЖАҲОНДА

● Араб давлатлари лигасининг Ливияда бўлиб ўтган мажлисида лигага аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида Исроил томонидан амалга оширилаётган турар жой қурилишларининг дарҳол тўхтатилиши лозимлиги ҳақида баёнот бердилар.

● Грузиянинг қарама-қарши позициясига кўра Россиянинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига кириш жараёни чўзилиб кетиши мумкин.

● Эквадор маъмурияти давлат тўнтариши қилишга уринганликда айблаб, 46 нафар полиция ходимини қамоққа олди.

● Папуа-Янги Гвинея мамлакатидан ҳайвонларнинг янги 200 та тури, ўсимликларнинг эса 9 та нави топилди. Мамлакатнинг тоғли ҳудудларида аниқланган ҳайвонот ва наботот олами турларига ҳозиргача ҳеч қаерда дуч келинмаган.

● Грузия маъмурлари Шимолий Кавказ республикалари фуқаролари учун визасиз режимни жорий этишди.

● Кеча Молдавиядаги олий суд палатаси биносида суд қароридан норози бўлган фуқаро ўзини-ўзи ёқиб юборишга ҳаракат қилди.

● «Financial Times» нашрида интернетдан энг фаол фойдаланувчи давлатлар рўйхати эълон қилинди. Кузатувлар давомида бу борада етакчи мамлакатлар сифатида Миср, Саудия Арабистони ва Хитой эътироф этилган. Мазкур давлатларда аҳолининг 55 фоизи бу тармоқ хизматидан мунтазам фойдаланар экан. АҚШда эса бу кўрсаткич 42 фоизни ташкил этади.

● АҚШнинг бир гуруҳ олимлари янги сайёрани кашф этишди. Калифорния университети ва Вашингтон илмий институти ходимлари ҳамкорлигида аниқланган мазкур само жисми Қуёш тизимидан 20 ёруғлик йили узоқликда жойлашган экан. Қизиғи шундаки, унда суюқ ҳолатда сув борлиги, ҳавоси эса худди ерникига ўхшашлиги айтилмоқда. Шу боис сайёрада яшаш мумкин, деган фикрлар ҳам илгари сурилмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ислоҳотлар самараси

## ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА



**Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес ривожига қаратилган эътибор боис тадбиркорларимизнинг иқтисодиёт равнақига қўшаётган ҳиссаси ортиб бормоқда. Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 52,5 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.**

— Асосий мақсадимиз экспорт ҳажмини янада ошириш, хориждан буюртмачиларни кенг жалб этишдир, — дейди «Turon Garments» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Туроб Каримов. — Бунинг учун имкониятларимиз етарли, юртимизда тадбиркорлик ривожи учун яратилган шарт-шароитлардан, берилаётган имтиёзлардан самарали фойдаланяпмиз.

Корхона фаолиятини 20 нафар ишчи билан бошлаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сафи тўрт бараварга ортиб, малакали тикувчилар Япония, Туркия, Германиянинг замонавий дастгоҳлари қувватини ишга солган ҳолда трикотаж маҳсулотларини тайёрламоқда. Энг асосийси 100 фоиз пахта матоси асосида ишлаб чиқарилаётган эркаклар, аёллар ва болалар кийим-кечаклари сифати билан ажралиб туради. Айниқса чақалоқлар учун тикилаётган зарур ашёлар харидорларга манзур бўляпти.

Шу ўринда корхона дизайнер-модельерларининг изланишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар харидор дид ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда жаҳон андозаларига мос кийим-кечак моделларини яратмоқда.

Тайёр маҳсулотлар буюртма асосида Қозоғистонга экспорт қилинмоқда. Келгусида, айтиб ўтилганидек, хорижий ҳамкорлар сафини янада кенгайтириш, янги технологик линиялар ўрнатиш ва биринчи галда тегишли мутахассисликни эгаллаган ёшлар учун иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

**Мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцария Конфедерацияси Федерал йиғини Кантонлар кенгашининг ташқи сиёсат масалалари бўйича комиссия раиси Эжен Давид раҳбарлигидаги делегация 11 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.**

## ШВЕЙЦАРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги алоқалар кўплаб жабҳаларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

Швейцария делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан ҳам музокара ўтказди.

– Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон – Марказий Осиёдаги қудратли мамлакатлардан, – деди Эжен Давид. – Олий Мажлисдаги мулоқотлар парламентаризм соҳасидаги ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва икки томонлама дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам бўлиб, икки томонлама ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**(ЎзА)**

## САНЪАТ, ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

**Тошкентда «Art Week Style.Uz» санъат ҳафталиги давом этмоқда**

Ҳафталик «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида Ёшлар ижод саройида ташкил этилган «TashkentALE – 2010» бешинчи халқаро Тошкент фотобиенналеси билан бошланди.

Кўргазманинг очилишида юртимиз ва хорижлик рассомлар, фотосуратчилар, дизайнерлар, санъатшунос олимлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари, санъат ихлосмандлари иштирок этди.



Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида санъатнинг барча турларини изчил ривожлантириш асосида халқимиз, айниқса, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Бу жараёнда эркин ижод қилиш учун зарур барча шароитларни яратиш, ижодкорлар меҳнатини эъзозлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан анъанавий ўтказиб келинаётган «Art Week Style.Uz» санъат ҳафталиги ҳам айни шу мақсадларга хизмат қилади. Ҳафталик мамлакатимиз ва хорижлик дизайнерлар, рассомлар, санъатшунослар, модельерлар, фотоусталарнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, ижодий ҳамкорликни янада кенгайтириши учун қулай имкониятдир. Энг асосийси, ёшларнинг бадиий-эстетик дидини тарбиялаш, маънавиятини янада юксалтириш, уларни миллий ва жаҳон санъатининг энг нодир намуналаридан баҳраманд этишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу йилги ҳафталик археология, миллий мерос, мусиқа, хореография, театр, фотография ва тасвирий санъат, таълим каби жабҳаларни ўзида мужассам этгани билан аҳамиятлидир. Санъат, маънавият ва маърифат байрамига айланган ушбу ҳафталик доирасида турли концертлар, кўргазмалар, танловлар, тақдимот маросимлари, илмий-амалий анжуманлар, миллий либослар фестивали, ижодий учрашувлар, жаҳоннинг номдор модалар уйларининг модельерлари яратган коллекцияларнинг намойиши, ижтимоий акциялар, маҳорат сабоқлари ўтказилади.

Санъат ҳафталигининг дастлабки тадбири – «TashkentALE-2010» бешинчи Тошкент халқаро фотобиенналесида ҳамюртларимиз ва хорижлик меҳмонлар миллий ва жаҳон фото санъатининг энг сўнгги муваффақиятлари билан танишдилар.

Халқаро кўргазмага АҚШ, Аргентина, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Канада, Швейцария, Россия, Озарбойжон, Украина, Венгрия, Нигерия каби қирқдан зиёд мамлакат фотоусталаридан икки мингдан зиёд ижодий иш келган. Улардан саккиз юзга яқин сурат ушбу фотобиенналеда намойиш этилмоқда.

– Тошкентда ўтказилаётган бундай йирик санъат байрамида иккинчи марта иштирок этяпман, – дейди ЎзА мухбирига озарбойжонлик фотосуратчи Агдес Багирзода. – Шундай йирик маданий лойиҳанинг юксак савияда, кўтаринки ва байрамона руҳда ташкил этилгани таҳсинга лойиқ. Бу каби тадбирлар Ўзбекистонда миллий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш, маданият ва санъатни изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганидан, ўзбек халқининг бағрикенглиги, самимий ва меҳмондўстлигидан далолатдир.

Фотобиенналеда намойиш этилаётган суратлар услуб ва жанр жиҳатдан ранг-баранг бўлса-да, асосан инсонга муҳаббат, анъаналарга ҳурмат ва навқиронлик шижоати каби мавзуларни ўзида акс эттирган.

14 октябргача давом этадиган ушбу ҳафталикнинг дастлабки кунларида Миллий санъат марказида франциялик рассом Кэтрин Метэ, Тошкент Фотосуратлар уйида италиялик фотомусаввир Марко Перего ижодига бағишланган кўргазмалар, Япония, Испания, Буюк Британия дизайнерлари томонидан тайёрланган либослар коллекцияси намойиши, маҳорат сабоқлари, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида мода соҳаси истиқболларига бағишланган анжуман ўтказилди.

**Назокат УСМОНОВА**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** 14-15 октябрь кунлари Гематология ва қон қуйиш институти томонидан қон тизими касалликларининг замонавий диагностикаси, давоси ва трансфузиология масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилади.

✓ **ТОШКЕНТ** тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқитувчилар ва талабалар иштирокида мамлакатимизда тўқимачилик соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** Молия институтида тўлов шартномаси бўйича белгиланган имтиёзларнинг моҳиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар ва ота-оналар иштирок этди.

✓ **САЛОМАТЛИК** ва тиббий статистика институти шаҳар филиали, Маънавият тарғибот маркази Юнусобод тумани ва Тиббий-ижтимоий марказ ҳамкорлигида Тошкент молия институтида ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

## АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

**«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар таҳсинга сазовор бўлаётир.**

Ёшларни ҳар томонлама комил инсон бўлиб вояга етказиш, иқтидор ва қобилиятини тўла намоён этиши учун барча шароитлар яратилаётганлиги қувонарлидир.

Бу борада «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Айниқса ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган ўзаро ҳамкорлик келишувларининг аҳамияти алоҳидадир.

Бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликдаги келишувга биноан куни кеча Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ҳарбий спорт синфлари ва ҳарбий ватанпарвар клублари тарбияланувчиларининг ўзига хос тантанали қасамёд маросими ўтказилди.

Тадбирда Ҳамза туманидаги 153-ҳарбий спорт мактаби, Яккасарой туманидаги 317-мактаб, Ички ишлар вазирлиги қошидаги 319-ҳарбий махсус мактаб-интернат, шунингдек пойтахт вилоятидан кўплаб ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Ҳарбий спорт мактаблари тарбияланувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури, «Гюрза» клуби спортчиларининг ушу ҳаракатлари, акробатик этюд, япон кўл кураши бўйича кўргазмали чиқишлари йиғилганлар эътиборини тортди.

Тадбир давомида таклиф этилган уруш ва меҳнат фахрийларининг ёшлар билан қизғин мулоқоти бўлиб ўтди. Албатта, мақсад фарзандларимизнинг катталардан ибрат олиб, чинакам мард-жасур, соғлом ҳимоячилар бўлиб камол топишига қаратилгандир.

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси томонидан ўзининг интилиши, яхши ўқиши, хулқ-атвори билан ўрнак бўлган ҳамда ҳарбий билим ва сабоқларни яхши ўзлаштираётган ўқувчилар муносиб тақдирланди. Тадбир сўнгида иштирокчилар Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти музейи билан танишишди.

**Дилором ИКРОМОВА**





**СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.**
**Алексей Попов олган суратлар**

**Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлида дадил одимлаётган мамлакатимизда ҳар бир соҳада, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам амалга оширилаётган изчилислоҳотлар жамиятимиз ҳар бир аъзосининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, Асосий Қомусимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати энг олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган.**

Қарор ва ижро

## БАҒРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Республикамизда инсонпарварлик ва бағрикенглик намунаси бўлмиш амнистия акти мунтазам қабул қилиб келинмоқда. Ўтган вақт давомида йигирмадан зиёд афв этиш қарорлари ҳаётда ижросини топганлиги фикримиз далилидир. Ушбу ҳужжатлар қанчадан-қанча кишилар тақдири билан боғлиқлигини англаш қийин эмас.

Жорий йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги қарори эълон қилинганлиги мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатъият ва изчиллик билан олиб борилаётган сиёсатнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Айни кунларда ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида жазони ўташ жойларидан озод этилаётган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий жиҳатдан ёрдам бериш борасида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада амнистия тегишли шахсларга холисона қўлланилишини таъминлаш, ушбу жараёнда жамоатчилик назоратини кучайтиришга йўналтирилган депутатлар, Ўзбекистон Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий ходимлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари жойларда фаолият юритмоқда.

Тошкент шаҳрида тузилган ишчи гуруҳининг тегишли жазони ижро этиш муассасасида ўтказилган галдаги сайёр йиғилишида амнистия доирасига тушаётган маҳкумларнинг ҳужжатлари билан яқиндан танишилди ва тегишли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ инсон шаъни, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — дейди Сенат аъзоси, ишчи гуруҳи раҳбари Фарида Абдураҳимова. — Амнистия ҳаётда адашган, билиб-билмай жиноятга қўл уриб, ҳозирда афсус-надомат чекаётган шахслар учун оиласи, яқинлари бағрига қайтиб, эркинликни қадри нақадар улуғ эканлигини англаши, соғлом турмуш кечириб, ҳалол меҳнат қилишига катта имкониятдир.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан тинч-тотув яшашимиз учун яратилаётган имкониятлар доираси кенг. Жиноят содир этганларга ҳам давлатимиз кечиримлидир. Инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда адашганларга жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлиши учун яна бир фурсат берилмоқда. Айтиш керакки, бундан қанчадан-қанча кишилар тўғри хулоса чиқариб, маҳалла-кўй ичида ёруғ юз билан ишончни оқлашга интилмоқда.

Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини... Қилган жинояти учун озодликдан маҳрум бўлиб, сим ортида «ҳаёт» кечириш қанчалик оғир бўлмасин, аммо жиноят жазосиз қолмаслигини унутмаслик керак. Тадбирда амнистияга тушаётган шахслар афв этилганлигига миннатдорчилик билдириб, бундан кейин ҳунар эгаллаб, ҳалол меҳнат қилишга ваъда беришди.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, қонунни билиб-билмасдан четлаб ўтишга ҳаракат қилаётганлар тақдирига бефарқ бўлмайлик ва тўғри йўл танлашида ёрдам қўлини чўзайлик. Ёшларимиз эса кўпни кўрган табаррук бобо-бувиларимиз йўл-йўриқларига қулоқ тутса, фақат фойда ва яна бир бор фойда бўлади.

Умр инсонга фақат бир марта бериладиган азиз неъмат. Инсон деган номга муносиб бўлайлик, яхшилик, тўғрилик, юртга, Ватанга фидойилик бизни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

Иқтисодиёт

## ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА

**Корхоналарда бозорни ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам харидорини топмоқда.**

Замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган «ASN» масъулияти чекланган жамиятининг савдо корхоналарига мўлжалланган пештахта ҳамда маиший музлатгичлари ана шундай товарлар сирасидан бўлиб, бу тадбиркорларнинг изланишлари самарасидир.

— Албатта, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиқли музлатгичларга четдан харидорларни жалб этиш учун тинмай изланамиз, — дейди корхона директори Анвар Назиров. — Бунинг учун бугунги кун талаблари даражасидаги замонавий дастгоҳларни ўрнатганмиз. Меҳнат қилаётган 70 нафардан зиёд ишчи-хизматчиларимиз юқори малакага эга. Дизайнерларимиз ҳар бир буюртма устида талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда иш юритади. Фирма дўконларимиз ҳам ишлаб турибди. Маҳсулотларимизнинг барчаси сертификатга эгадир.

Корхонада айни пайтда янги лойиҳалар янада рақобатбардош маҳсулот турларини яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг учун янги технологик линиялар ўрнатиш, ёшларга иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш кўзда тутилган.

## ТРИКОТАЖ МАҲСУЛОТЛАРИ

**Пахтани қайта ишлаш орқали тайёрланаётган матолардан ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларига ички бозорда талаб катта.**

«Tadbir» масъулияти чекланган жамиятида кўп йиллик фаолияти давомида маҳсулот турларини кўпайтиришга, сифатини оширишга эришилди. Ҳозирда корхонада тикилаётган аёллар, эркаклар, болалар устки ва ички кийим-кечаклари замонавийлиги ва қулайлиги билан ажралиб туради.

— Цехларимизга ўрнатилган тикув дастгоҳлари Япониядан келтирилган, — дейди корхона раҳбари Акмал Акбаров. — Аввалига беш-олти нафар ишчи билан фаолият бошлаган бўлсак, айни пайтда буюртмаларимиз маҳсулотларимиз турлари кўпайиб, ишчиларимиз сафи ҳам йигирматага етди. Яқин кунларда фирма дўконини йўлга қўйишни режалаштирганмиз.

Буюртмаларнинг кўпайиши ишлаб чиқаришни кенгайтиришни талаб этади. Корхонада янги дастгоҳлар ўрнатиб, қўшимча цех очиш ёшларни иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, йигирмадан зиёд янги моделларни жорий этиш белгиланган.

## МЕБЕЛСОЗЛАРНИНГ САМАРАЛИ МЕҲНАТИ

**Мебелсозларимизнинг изланишлари ўз самарасини бераётганини кузатиш мумкин. Бугунги кунда замонавий технологиялардан фойдаланиб, рақобатбардош мебель тўпламлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқдаки, буни харидорлар ҳам эътироф этмоқда.**

«FWS Union» масъулияти чекланган жамиятида 50 нафар малакали мутахассис меҳнат қилади. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган турли дизайндаги мебеллар сифати билан ажралиб туради. Бу, албатта, харидор талабидан келиб чиқиб ишлаш натижасидир.

— Ҳозирги пайтда цехларимизда юксак унумли дастгоҳлар қуввати билан 50 турдаги мебель ишлаб чиқармоқдамиз, — дейди технолог Фахриддин Сирожиддинов. — Айниқса ошхона, офис, меҳмонхона, ётоқхона тўпламлари ўзига хос дизайнга эга бўлиб, харидорини топмоқда. Ўқув юртлари учун давлат стандартларига мос мебель жиҳозларини ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйганмиз. Янги намунадаги парталар билан ҳам буюртмачиларни хушнуд этмоқдамиз. Мажлислар зали учун мўлжалланган уч ўриндиқли кресло ҳам харидоргирдир.

Жорий йилда корхонада яна бир янги дастгоҳ ўрнатиш режаланган. Бу маҳсулот сифатини ошириб, турларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Шарофат БАХРОМОВА**

## ЭКОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

**Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан иқлим ўзгариши муаммолари, уни муҳофаза қилиш, энергияни тежаш ва унинг муқобил манбаларидан фойдаланишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

«Ҳамма ишга» шиори остида дунёнинг 190 дан ортиқ мамлакатида ўтказилаётган шу каби акциялар Глобал экологик фонднинг грантлар дастури ва Ўрмон хўжалиги бошқармасининг «Ёшлар экологик тармоғи» кўмагида юртимизнинг барча ҳудудларида бўляпти.

Акция доирасида ёшлар учун боғнинг белгиланган маълум ҳудудларида маҳорат мактаблари, семинар-тренинг, кўргазма ва қизиқарли кўрик-танловлар ўтказилди.

Шу каби тадбирлар доирасида мактаб ўқувчилари, ўқитувчи ва ота-оналар атроф-муҳит муҳофазаси, чучук сувдан, барча табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, турли энергия манбаларини тежашга бағишланган ўқув машғулотларида иштирок этмоқда.

— Иқлим ўзгариши муаммоси Марказий Осиё мамлакатлари учун долзарб масала саналади, — дейди «Туркистон-пресс» мухбирига Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бош мутахассиси Хония Асилбекова. — Иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг олдини олиш борасида мамлакатимизда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳеч биримизга сир эмаски, иқлимни ўзгартирадиган, унга зарар етказадиган манба ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқадиган турли заҳарли моддалар саналади. Уларнинг ўрнига қуёш энергиясидан фойдаланиш, хонадаги бор иссиқликни сақлаб қолиш, қиш мавсумида эшик-ромларни мустаҳкамлаш каби энергияни қайта тикловчи усулларни излаб топиш ёшларга амалий ўйинлар орқали тушунтириб борилмоқда.

**Азима ҚИЁСОВА**

**Пойтахтимизда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги – «Ўзстандарт» ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчи тадбиркорлари иштирокида учрашув ташкил этилди.**

## МАҚСАД — ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Тадбирга, деб хабар беради ЎзА, юздан ортиқ ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Марказий банк ва бошқа идора ҳамда ташкилотлар вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги раиси ўринбосари Азиз Йўлдошев мамлакатимизда маҳсулотлар, хизматлар ва ишларга нисбатан мажбурий талаблар ҳамда уларга риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш бўйича самарали тизим яратилганини таъкидлади. Ҳукуматимиз томонидан стандартлаштириш соҳасидаги асосий принцип ва йўналишлар тасдиқланган ҳамда ўрнатилган бўлиб, унда зиммасига ушбу соҳадаги асосий вазифалар юклатилган давлат бошқарувининг ваколатли органлари белгиланган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 октябрда «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, «Ўзстандарт» агентлигининг давлат бошқаруви органи сифатидаги асосий вазифалари ва функциялари шакллантирилиб, унинг зиммасига стандартлаштириш ҳамда сертификатлаштириш соҳасида ягона сиёсатни юритиш вазифаси юклатилган.

Халқаро тажриба ва амалиёт шуни кўрсатадики, стандартлаштириш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Айнан шу боис «Ўзстандарт» агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг миллий сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантириш, мувофиқликни тасдиқлаш соҳасида амалдаги халқаро қоидалар доирасида сертификатлаш тартибларини соддалаштиришга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур учрашув тадбиркорлик субъектларининг стандартлаштириш ва сертификатлаштириш қоидаларининг амалдаги тизими ва унинг талабларига риоя қилиниши устидан давлат назорати, шунингдек, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида халқаро амалиёт билан уйғунлашувнинг бугунги аҳволи ҳамда ривожланиш истиқболларига оид долзарб масалалар бўйича билимларини ошириш мақсадида ташкил этилди.

Учрашув доирасида «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатлаштириш, халқаро ҳамкорлик, стандартлар ва сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиниши устидан давлат назорати соҳасидаги фаолияти тўғрисида маърузалар тингланди ҳамда тақдимотлар ўтказилди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА**

# ЯНГИ НОМЛАР

Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан пойтахтдаги қуйидаги кўчалар ва бошқа баъзи топонимик объектлар номлари тартибга келтирилди

| *Кўча(жой)нинг аввалги номи* | Янги номи | *Изоҳ* |
|---|---|---|
| ***Мирзо Улуғбек тумани*** | | |
| Асадхўжа Убайдуллахўжаев | **Салом** | Ҳудудда шаклланган жой номи («Олтинтепа» ва «Гулистон» маҳаллалари) |
| Ризамат Мусамуҳамедов | **Саёҳат** | Шу номли меҳмонхона рўпарасида жойлашгани инобатга олинди («Гулистон» ва «Олтинтепа» маҳаллалари) |
| Латиф Файзиев | **Бўзбозор 6-тор кўчаси** | Жойдаги Бўзбозор кўчасига туташ бўлгани учун («Олмачи» маҳалласи) |
| Муса Жалил 4-тор кўчаси | **Қибрай 4-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Гулистон» маҳалласи) |
| Эркин Мараимов | **Сайрам 7-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Сайрам» ва Аҳмад Яссавий номли маҳаллалар) |
| Низомиддин Хўжаев | **Шалола 2-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Шалола» маҳалласи) |
| Толибжон Содиқов | **Катта Дархон** | Жойнинг тарихий номи («Дархон» маҳалласи) |
| Толибжон Содиқов 1-3-тор кўчалари | **Катта Дархон 1-3-тор кўчалари** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Дархон» маҳалласи) |
| Ҳосил Боймуҳамедов | **Кумушкон** | Ёндош Геология кўчасига уйғунлаштириш мақсадида («Дархон» маҳалласи) |
| Қизилсув кўчаси йўналишидаги берк кўчалар | **Қизилсув 1,2-берк кўчалари** | Туташ берк кўчалар асосий кўча номига мувофиқлаштирилди («Олтинтепа-10» маҳалласи) |
| ***Миробод тумани*** | | |
| Истиқбол *(такрор ном)* | **Қўйлиқота** | «Қўйлиқота» мақбараси ёнидан кириладиган кўча. Жойнинг тарихий номини тиклаш мақсадида («Қўйлиқота» маҳалласи) |
| Адҳам Солижонов | **Қўйлиқота 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Қўйлиқота» маҳалласи) |
| Истиқбол 2-тор кўчаси | **Қўйлиқота 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Истиқбол 4-тор кўчаси | **Қўйлиқота 3-тор кўчаси** | // - // - // |
| Адҳам Солижонов 1,2,3-берк кўчаси | **Қўйлиқота 1,2,3-берк кўчаси** | Шу номдаги кўчага туташ бўлгани учун. Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Қўйлиқота» маҳалласи) |
| Сарикўл 3-тор кўчаси | **Сарикўл** | Тарихий номдаги Сарикўл кўчасининг бош қисми бўлгани инобатга олинди («Наврўз» маҳалласи) |
| Сарикўл 4-тор кўчаси | **Темирйўлчилар** | Жойдаги Темирйўлчилар кўчасининг бош қисми бўлгани инобатга олинди («Наврўз» маҳалласи) |
| Мичурин | **Мироншоҳ 8-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Байналмилал» маҳалласи) |
| Мичурин 1,2,4-берк кўчалари | **Мироншоҳ 5,6,7-берк кўчалари** | Бир йўналишдаги берк кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Байналмилал» маҳалласи) |
| Азиз Қодиров, Сурхон ва Меҳржон кўчалари | **Меҳржон** | Бир йўналишда жойлашган ҳар хил кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Баҳор» маҳалласи) |
| Эшон Одилхўжаев | **Темирйўлчилар 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Темирйўлчилар» маҳалласи) |
| Эшон Одилхўжаев 1,2,3-берк кўчалари | **Темирйўлчилар 2,3,4-берк кўчалари** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Темирйўлчилар» маҳалласи) |
| ***Учтепа тумани*** | | |
| Рихситилла Шонеъматов | **Қурувчи 1-тор кўчаси** | Қурувчи кўчасидан кириладиган кўча бўлгани инобатга олинди («Ибрат» маҳалласи) |
| ***Чилонзор тумани*** | | |
| Туроб Тўла | **Бешёғоч** | Жойнинг тарихий номи («Бешёғоч» ва «Олмазор» маҳаллалари) |
| Комил Ёрматов | **Новза** | Жойнинг тарихий номи. Нов билан сув чиқарилиб обод бўлган жой маъносида («1-Чарх Камолон» маҳалласи) |
| Йўлдош Аъзамов | **Нафосат** | Кўча номини соддалаштириш мақсадида («Чилонзор» маҳалласи) |
| Ҳабибулло Қодирий | **Эски Чилонзор** | Жойнинг тарихий номи инобатга олинди («Чилонзор» маҳалласи) |
| Ҳабибулло Қодирий 1,2,3,4,5-тор кўчалари | **Эски Чилонзор 1,2,3,4,5-тор кўчалари** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Чилонзор» маҳалласи) |
| Ҳабибулло Қодирий берк кўчаси | **Эски Чилонзор берк кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Чилонзор» маҳалласи) |
| Рисқи Ражабов | **Нурхон 4-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини тартибга келтириш мақсадида («Катта Қозиробод» маҳалласи) |
| ***Ҳамза тумани*** | | |
| М.Миршаропов маҳалласи | **«Катта Янгиобод» маҳалласи** | Янгиобод даҳасида ташкил этилган илк маҳаллалардан бири бўлгани инобатга олинди |
| Амин Турдиев | **Имом Бухорий** | Маҳалла ҳудудидаги марказий кўча номини маҳалла номи билан уйғунлаштириш мақсадида (Ал-Бухорий номли маҳалла) |
| Ҳалима Носирова | **Хосият** | Жойнинг тарихий номи инобатга олинди (Алишер Навоий номли маҳалла) |
| Тошлоқобод (такрор ном) | **Катта Янгиобод** | Ҳудуднинг тарихий номига уйғунлаштириш мақсадида («Катта Янгиобод» ва «Беҳизор» маҳаллалари) |
| Тошлоқобод 1,2,3-тор кўчалари | **Катта Янгиобод 1,2,3-тор кўчалари** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Катта Янгиобод» ва «Беҳизор» маҳалласи) |
| Номсиз кўча | **Уйсозлар 3-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини уйғунлаштириш мақсадида («Иқбол» маҳалласи) |
| Номсиз берк кўчалар | **Уйсозлар 1,2-берк кўчалари** | Асосий кўча номига мувофиқлаштирилди («Иқбол» маҳалласи) |
| ***Собир Раҳимов тумани*** | | |
| Олим Хўжаев | **Шифокорлар** | Кўчанинг аввалги номини тиклаш мақсадида («Хислат» ва «Шифокорлар» маҳаллалари) |
| Ғулом Каримов | **Шифокорлар 2- тор кўчаси** | Жойдаги Шифокорлар кўчасига уйғунлаштириш мақсадида |
| Норазтепа 2-берк кўчаси *(айни пайтда ўтар кўча бўлгани учун)* | **Норазтепа 2-тор кўчаси** | Туташ кўча номини соддалаштириш мақсадида («Гулзор» маҳалласи) |
| Янги кўча | **Норазтепа 3-тор кўчаси** | Шу номдаги туташ кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида («Гулзор» маҳалласи) |
| Янги кўча | **Сағбон Оқтепа 5-тор кўчаси** | Шу номдаги туташ кўча номи билан уйғунлаштириш мақсадида («Гулзор» маҳалласи) |
| Ҳикмат Даминов | **Хўжалик** | Жойнинг тарихий номини тиклаш мақсадида («Чимбой» маҳалласи) |
| Ғафур Ғулом *(такрор ном)* | **Себзор** | Жойнинг тарихий номини тиклаш мақсадида (кўчанинг бир қисми Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган) |
| Обид Содиқов *(такрор ном)* | **Чиғатой Дарвоза** | Жойнинг тарихий номини тиклаш мақсадида (кўчанинг бир қисми Шайхонтоҳур тумани ҳудудида жойлашган) |
| ***Шайхонтоҳур тумани*** | | |
| Тинчлик 5-тор кўчаси | **Шайх Зайниддин** | Шайх Зайниддин, тўлиқ номи – Шайх Абу Бакр Зайниддинбобо Кўйи Орифон Тошкандий (1164–1259). Тошкентда яшаган. Кўча йўналишида шу номли мақбара, жомеъ масжид ва зиёратгоҳ бўлгани инобатга олинди («Тинчлик» маҳалласи) |
| Назир Сафаров | **Лабзак 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Лабзак» маҳалласи) |
| Султон Акбарий | **Лабзак 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Хосият Тиллахонова | **Баҳор 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Лабзак» маҳалласи) |
| Тожихон Шодиева | **Баҳор 2-тор кўчаси** | // - // - // |
| Алп Жамол 1-кўчаси | **Ипакчи** | Бир йўналишдаги кўча яхлитлигини таъминлаш мақсадида («Ипакчи» маҳалласи) |
| Алп Жамол 2-кўчаси | **Ипакчи 8-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Ипакчи» маҳалласи) |
| Алп Жамол 3-кўчаси | **Ипакчи 9-тор кўчаси** | // - // - // |
| Алп Жамол | **Зангиота 1-тор кўчаси** | Зангиота кўчасидан кириладиган тор кўча бўлгани учун («Эски Жарариқ» маҳалласи) |
| Раҳимберганов | **Зангиота 2-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Эски Жарариқ» маҳалласи) |
| Алп Жамол 1,2-берк кўчалари | **Зангиота 1,2-берк кўчаси** | Бир йўналишдаги берк кўча номларини тартибга солиш мақсадида («Эски Жарариқ» маҳалласи) |
| Назир Қаюмов | **Зангиота 3-берк кўчаси** | Шу номдаги кўчадан кириладиган берк кўча бўлгани инобатга олинди («Эски Жарариқ» маҳалласи) |
| Жарариқ мавзесидаги янги кўчалар | **Янги Жарариқ 8,9,10, 11-тор кўчалари** | Бир жойдаги туташ кўча номлари мувофиқлаштирилди |
| Ғафур Ғулом *(такрор ном)* | **Себзор** | Жойнинг тарихий номини тиклаш мақсадида (кўчанинг бир қисми Собир Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган) |
| Обид Содиқов *(такрор ном)* | **Чиғатой Дарвоза** | Жойнинг тарихий номини тиклаш мақсадида (кўчанинг бир қисми Собир Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган) |
| ***Юнусобод тумани*** | | |
| Хуршид | **Осиё** | Бир йўналишдаги кўча номининг яхлитлигини таъминлаш мақсадида |
| Улугбек *(такрор ном)* | **Нурзиё** | Нур ва зиё таратувчи кўча маъносида («Исломобод» ва «Шарқ ҳақиқати» маҳаллалари) |
| Янги кўчалар | **Нурзиё 1,2-тор кўчалари** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Исломобод» ва «Шарқ ҳақиқати» маҳаллалари) |
| Виктор Чуркин | **Янгиариқ 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Янгиариқ» маҳалласи) |
| Идгай Тазетдинов | **Ифтихор 1-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Туркқўрғон» ва «Янгиариқ» маҳаллалари) |
| Зиё Турсунов | **Ифтихор 2-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Уста Ширин» ва «Янгиариқ» маҳаллалари) |
| Дони Зокиров | **Ифтихор 3-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Уста Ширин» маҳалласи) |
| Сергей Покатилов | **Ифтихор 4-тор кўчаси** | // - // - // |
| Михаил Ан | **Ифтихор 5- тор кўчаси** | // - // - // |
| Юрий Загуменних | **Ифтихор 6-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Оқибат» маҳалласи) |
| Саидаҳмад Ғуломов | **Ифтихор 7-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Янгиариқ» ва «Оқибат» маҳаллалари) |
| Владимир Макаров | **Ифтихор 8-тор кўчаси** | Туташ кўча номларини соддалаштириш мақсадида («Оқибат» маҳалласи) |
| Владимир Фёдоров | **Ифтихор 9-тор кўчаси** | // - // - // |
| Константин Баканов | **Ифтихор 10-тор кўчаси** | // - // - // |
| Александр Корчёнов | **Ифтихор 11-тор кўчаси** | // - // - // |
| Николай Куликов | **Ифтихор 12-тор кўчаси** | // - // - // |
| Носир Исмоилов | **Ифтихор 13-тор кўчаси** | // - // - // |
| Волоколамск | **Ифтихор 14-тор кўчаси** | // - // - // |
| Миргород | **Ифтихор 15-тор кўчаси** | // - // - // |
| Янги тор кўчалар | **Юқори Қорақамиш 1,2,3,4-тор кўчалари** | Жойдаги туташ Юқори Қорақамиш кўчасига мувофиқлаштирилди («Исломобод» маҳалласи) |
| Янги тор кўчалар | **Исломобод 8,9,10,11,12-тор кўчалари** | Жойдаги Исломобод кўчасига мувофиқлаштирилди |
| Янги берк кўчалар | **Исломобод 1,2-берк кўчалари** | // - // - // |

Tashkent challenger-2010

# УМИДБАХШ НАТИЖАЛАР

**Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида эркаклар ўртасида халқаро «Tashkent challenger-2010» мусобақаси ўтмоқда. Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР) таснифидаги мазкур турнирнинг мукофот жамғармаси 125 минг долларни ташкил этади.**

Мусобақанинг биринчи куни теннис ихлосмандлари учун анча ҳаяжонли кечди десак, адашмаймиз. Ўзбекистонлик теннисчилар дастлабки даврадан қай тарика қандай енгиб ўтишига кўпчиликнинг қизиқиши табиийдир. Қувонарлиси, айни пайтгача натижалар ёмон эмас.

Эслатиб ўтамиз, АТРнинг Тошкентда бўлиб ўтаётган турнирида Ўзбекистон шарафини Мурод Иноятов, Фаррух Дўстов, Важа Узоқов ва Сергей Шипиловлар ҳимоя қилишмоқда. Умидли теннисчиларимиз кўплаб халқаро мусобақаларда, жумладан, республикамиз вилоятларида анъанавий ўтказиладиган «фьючерс» ва «челленжер» турнирларида мунтазам қатнашиб келади. Мурод Иноятов ўтган йилги «Tashkent challenger»нинг жуфтликдаги ғолиби бўлган, шунингдек пойтахтимизда ўтказилган Осиё чемпионатлари жуфтлик беллашувларида ҳам икки марта юқори марраларга эришган. Жамоадоши Важа Узоқовдан деярли 120 поғона пастда бўлсада, аммо мутахассислар Мурод Иноятовга катта умид боғлашмоқда. Эртага нимчорак финалга чиқиш борасидаги баҳс ҳамюртимиз учун янада машаққатли бўлиши мумкин. Мурод турнирда кучли ўйинчи сифатида сараланган австриялик Андреас Хайдер-Мауререга қарши кортга тушади.

Афсуски, саралаш босқичида қатнашган 13 нафар ўзбекистонлик теннисчидан биронтаси ҳам асосий жадвалга кира олмади. Бу босқичдан Канада, Франция, Австралия ва грециялик ўйинчилар муваффақиятли ўтишди. Шундай бўлсада, ёш теннисчиларимиз учун АТР тақвимидаги турнирнинг ҳаттоки саралаш босқичи ҳам маҳорат бобида яхши мактаб бўлиб қолиши шубҳасиз. Уларнинг муваффақиятлари ҳали олдинда...

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**







**Пойтахтимизда 8-10 октябрь кунлари таэквондо «пумсе» бўйича V жаҳон чемпионати бўлиб ўтди**

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF), Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган чемпионатда дунёнинг олтмишга яқин мамлакатидан келган тўрт юз элликдан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақа ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида яккалик, жуфтлик ва жамоавий «пумсе» – комплекс машқларни бажариш бўйича ўтказилди. Унда спортчилар 28 олтин, 28 кумуш, 56 бронза, жами 112 медаль учун кураш олиб борди.

Юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ҳам жисмоний, ҳам маънавий етук авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Спорт инсоннинг жисмоний ва маънавий камолоти асоси, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшлар учун ўз қобилияти, истеъдоди ва имкониятларини рўёбга чиқариш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари сингари таэквондо бўйича ҳам моҳир спортчиларни тайёрлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда йигирма минг нафардан зиёд киши таэквондо билан мунтазам шуғулланади. Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциацияси 1993 йилда Бутунжаҳон таэквондо федерациясига аъзо бўлган.

Ҳамюртларимиз ўтган йиллар давомида таэквондо WTFнинг Олимпия ўйинлари дастурига киритилган «кёруги» – яккама-якка кураш йўналиши бўйича салмоқли натижаларга эришиб, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва нуфузли халқаро турнирларда шоҳсупага кўтарилди.

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси кейинги йилларда таэквондо «пумсе» йўналишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. «Пумсе» – таэквондонинг WTF йўналишидаги комплекс машқлардир. У спортчининг ўз танасини чиниқтириши, ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларини такомиллаштириши, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини мунтазам оширишига хизмат қиладиган муҳим восита. «Пумсе» бўйича жаҳон чемпионатлари 2006 йилдан буён ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳри мезбонлик қилган таэквондо «пумсе» бўйича V жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини йигирма бир нафар спортчи ҳимоя қилди. Терма жамоамиз аъзоларидан Алла Таранова фахрийлар ўртасидаги яккалик беллашувларида иккинчи ўринни эгаллади. Катталар ўртасидаги жуфтликлар баҳсларида Осиё чемпионати совриндори Александр Ли ва Ирина Дергач дуэти ҳам жамоамиз ҳисобига иккинчи кумуш медални қўшди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари – Александр Лим, Михаил Афиногенов ва Александр Ни жамоавий «пумсе» бўйича бронза медални қўлга киритди.

Жаҳон чемпионати давомида истеъдодли ёш спортчиларимизнинг чиқишлари ҳам мухлису мутахассисларга манзур бўлди. 16 ёшли Зафар Сатторов ўсмирлар ўртасидаги мусобақада учинчи ўринни эгаллади.

– Ҳар бир спортчи ўзи туғилиб ўсган Ватанидаги нуфузли мусобақада шоҳсупага кўтарилишни орзу қилади, – дейди ЎзА мухбирига жаҳон чемпионати бронза медали совриндори Зафар Сатторов. – Ҳамюртларимизнинг халқаро спорт майдонларидаги ғалабалари, энг аввало, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида биз, ёшларга барча соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам ўз қобилиятимиз, истеъдодимиз ва салоҳиятимизни намоён этишимиз учун яратилган имкониятлар самарасидир. Келажакда моҳир спортчи сифатида бунданда юксак чўққиларни забт этишга ҳаракат қиламан.

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти Чунг Вон Чой, Осиё таэквондо уюшмаси президенти Даи Сун Ли, мусобақа ҳакамлари, мутахассислар, иштирокчи мамлакатлар терма жамоалари аъзолари мазкур жаҳон чемпионати ҳар томонлама юксак савияда ўтганини алоҳида таъкидладилар.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ**
**Муҳаммад Аминов (ЎзА) олган сурат**

Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**«ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР»ДАН**

**Ҳар не элдин қутқарур,**
**лаззатлиғ улдурким, фақир –**
**Меҳр қурсин уйлаким бир**
**пора нон кўрмас лазиз.**
* * *
**Дунё аруси зулфини тутқан**
**не огаҳ фақрдин,**
**Ганж истамас улким, йилон**
**тутмоқ била хурсанд эрур.**
* * *
**Меҳр иси бу мижмари**
**ферузадин кўз тутмаким,**
**Барча қад шамшоди бу**
**мижмар ичинда дуд эрур.**
* * *
**Эйки қаддинг бўлди хам,**
**олам била қил хайрбод –**
**Ким, хам этмак қад ҳамиша**
**лозими падруд эрур.**
* * *
**Шамъға фонус елдин**
**асрамоқ мақсуд эрур.**
* * *
**Эй басо макруҳким, зимнида**
**бир беҳбуд эрур.**
* * *
**Бу чаман гулбарги хушранг**
**ўлса, майл этмангки, ул**
**Ғоза булбул қонидин**
**суртарки, ранги ол эрур.**
* * *
**Сендадур мақсуд ганжи,**
**лек жисмингдур тилсим,**
**Ваҳки, бу ганж ул тилсим**
**ичра ажаб ноёб эрур.**
* * *
**Чун қуёшдек ерга киргунг,**
**не осиғ, гар юз қуёш,**
**Маснадинг тоқида ҳар ён**
**шамсайи девор эрур.**
* * *
**Беҳишт меҳнат эмас,**
**бўлса ваъдайи дийдор,**
**Висол умиди бор эрса,**
**жафо не бўлғусидур?**
* * *
**Навоиё, чу аламсиз мурод**
**мумкин эмас,**
**Десангки, васл топай,**
**ҳажр ўтиға ёқилакўр.**
* * *
**Ғам ўлса, солма гириҳлар**
**қошингғаким, қилмас**
**Ғализ ўлуб бу қора манъи**
**хомайи тақдир.**
* * *
**Фалак дақойиқидин кимса**
**бош чиқармади ҳаргиз –**
**Ким, ушбу риштанинг асру**
**тугунлари чигилибдур.**
* * *
**Ишқ сиррин неча кўнглум**
**ичра пинҳон асрасам –**
**Ҳам, кўнгул ўти забона чеккач,**
**элга фош эрур.**

**(Давоми бор)**
**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида атоқли бастакор Юнус Ражабий хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди.**

# ИНСТИТУТДА ҚАДР КЕЧАСИ

Тадбирда бастакорнинг фарзанди ва набираси Ҳасан ва Азиз Ражабийлар Юнус Ражабийнинг ҳаёти, мусиқа соҳасидаги қўлга киритган муваффақиятлари билан боғлиқ илиқ хотираларини талабаларга сўзлаб бердилар.

Кеча давомида эл севган хонандалар Матлуба Дадабоева, Аҳмаджон Дадаев бастакор ижодига мансуб куй ва қўшиқларни маромига етказиб ижро этдилар. Олий ўқув юртининг халқ ижодиёти факультети талабалари ҳам ўз чиқишлари билан тадбирнинг янада сермазмун ва қизиқарли чиқишига ҳисса қўшдилар.

**Нодира ЙЎЛДОШЕВА,**
**Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабаси**

Қадриятларимиз

# ИККИ АСРЛИК НАШВАТИ НОК

**«Бекобод» маҳалласининг Садоқат кўчасидаги хонадонларнинг бири ёнида бир туп нашвати нок дарахти бор. Шунга доимо қарайману, болалигим кўз олдимда жонланади.**

... Иккинчи жаҳон уруши тугаган йили саккиз ёшга тўлгандим. Эсимда, «Бекобод» ва бошқа маҳалла кўчаларини чангитиб, чарчаш нималигини билмасдим. Қай пайтда овқатланиш, қай пайтда ухлаш ҳам хаёлимга келмасди.

Маҳалламизда шилдираб оқаётган катта-кичик ариқлар кўп бўлган. Мевали дарахтлар сероблигини айтмайсизми. Ана ўша дарахтлардан бири менга от бўлган тол дарахти, илик узилди паллаларида дармон бериб турган балх тути, рўпарамда эса – нашвати нок дарахти – ҳаммаси худди мени соғиниб қолгандек... Уларга қарадиму, кўзларимдан ёш тирқираб кетди. Бу қувонч ёшлари...

Нашвати нок дарахтининг, қариганиданми, иккитагина бутоғи қолибди холос. Шундай ҳолдаям шиғил-шиғил ҳосил қилган. Бир тарафи қип-қизил, бир тарафи кўм-кўк. Шунақа навлигини биламан. Ўша, шўх болалик чоғларимда нашвати нокни жуда яхши кўрганимдан, тагига тушганига сабрим чидамасдан, липиллаб тепасига чиқиб, хоҳлаганимни узиб ердим. Ҳузур қилиб, қўйнимни тўлдириб аста пастга тушардим. Ўртоқларимга мақтаб-мақтаб, бирма-бир улашардим.

Ҳа, нашвати нок дарахтининг икки шохи қолибдию, лекин ҳамон қадли, термулган кишининг бошидан дўпписи тушади. Тагига икки-уч дона пишганларидан тушибди. Бирини олиб, артиб-тозалаб, татиб кўрсам, карсиллади. Серсув, шираси ўткир экан, томоқ қақради. Бир жуфтини ердан олиб, чўнтагимга солдим-да, шу хонадон бошроғидаги қариндошларникига кирдиму, нокни хонтахтага қўйдим. Қаердан олганимни дарҳол билиб, нашвати нок, катта ҳовли ҳақида ўтмиш хотираларни эсладик.

Раҳматлик бувамиз Олимбек боғидан қолган ягона нишона. Бир гектардан ошиқ жой эди. Ҳозирда бу ерда кўчалар, уй-жойлар қурилган. Фақат бир туп нашвати нок қолган.

Ҳа, бу дарахт салкам икки юз ёшда экан. Деярли икки аср мобайнида инсон саломатлигига хизмат қилиб келмоқда.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2635 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5

Буюртма Г- 906
Топширилган вақти: 15 55